

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг Молия-иқтисод бошқармаси НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Молия-иқтисод бошқармасининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини (кейинги ўринда бошқарма деб юритилади) белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади (кейинги ўринда "Ўзстандарт" агентлиги деб юритилади).

3. Бошқарма ўз фаолиятини, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, бюджет кодекси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси олий мажлиси палаталарининг қонунлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, "Ўзстандарт" агентлигининг бўйруқлари ва кўрсатмаларига, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги Низомга, шунингдек ушбу низом ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

II. Бошқарма вазифалари

4. Бошқарманинг асосий вазифалари қуйдагилардан иборат:

4.1. Идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш;

4.2. "Ўзстандарт" агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясига киритилаётган ҳужжатларни сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқиш ҳамда ижросини таъминлашни ташкил этиш;

4.3. "Ўзстандарт" агентлиги тизимида назарда тутилаётган ҳар йилги бюджет маблағлари параметрларини прогнозлаштириш;

4.4. Идоравий мансуб ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ёки ишлар учун харажатлар тузилмасини ўрганиш;

4.5. Ўрта ва узок муддатли тармоқ ривожланиш дастурлари, шунингдек, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш махсус жамғармаси ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлашда (тегишлилиги бўйича) иштирок этиш;

4.6. “Ўзстандарт” агентлиги раҳбариятига, идоравий мансуб ташкилотларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича таклифларни тақдим этиш;

4.7. “Ўзстандарт” агентлиги корхоналари фаолиятини молиявий тартибга солиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек услубий материаллар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

III. Бошқарма функциялари

5. Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади;

5.1. Белгиланган тартибда тасдиқланадиган стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича тармоқларни ривожлантиришнинг узок муддатли, ўрта ва йиллик концепциясини тайёрлашда қатнашади;

5.2. “Ўзстандарт” агентлиги раҳбариятига, республика бюджети ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан таклиф этилган бошқа маблағлар ҳисобидан харажатларни молиялаштириш лойиҳаси бўйича материалларни тақдим этади;

5.3. Молия вазирлигида, “Ўзстандарт” агентлиги Марказий аппаратининг ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Агентлик тасарруфидаги ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини амалга оширади;

5.4. Белгиланган тартибда “Ўзстандарт” агентлиги Марказий аппарати бюджет ва бюджетдан ташқари шахсий ҳисоб-варақларини, шунингдек унинг тасарруфидаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларини Молия вазирлигининг электрон дастурий комплексидан очиш ва ёпиш учун ариза беради.

5.5. Зарур ҳолларда “Ўзстандарт” агентлиги раҳбариятига, “Ўзстандарт” агентлиги Марказий аппарати ҳамда унинг тасарруфидаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағи олувчиларнинг белгиланган бюджет маблағларини корректив қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

5.6. Бюджетдан молиялаштириладиган тартиблар бўйича ҳисоб-китобларни, идоравий мансуб ташкилотларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан фаолиятини молиялаштириш ва хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти ўртасидаги муносабатлар масалалари бўйича мурожаатларни кўриб чиқади ва тегишли таклифлар киритади;

5.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида назарда тутилган ҳамда бошқа мақсадлар учун стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрологияни ривожлантириш махсус жамғармаси маблағларидан фойдаланиш бўйича тегишли хулосалар тайёрлайди;

5.8. Агентликнинг идоравий мансуб ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган ишлар ва хизматлар нарҳини кўриб чиқади. Шу билан бирга, иш ва хизматлар нарҳида ҳисобга олинган харажатларни модда-модда таҳлилини амалга оширади ва зарур ҳолларда харажатларни камайтириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

5.9. Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрологияни ривожлантириш махсус жамғармаси, шунингдек, қўйи ташкилотларнинг бошқа маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган дастур ва лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги, мақсадли вазифалари ва устивор йўналишларига мувофиқлиги бўйича таклифлар тайёрлайди;

5.10. Агентликнинг идоравий мансуб корхоналарнинг статистик, молиявий (бухгалтерия) ва бошқа ҳисоботларини кўриб чиқади, улар бўйича тегишли таклифлар тайёрлайди;

5.11. "Ўзстандарт" агентлиги фаолиятининг молиявий-иқтисодий масалалари бўйича вазирлик ва идоралар мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда тегишлилиги бўйича хулосаларни тайёрлайди;

5.12. Идоравий мансуб ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари динамикасини, шунингдек қўшимча захираларни излаш учун режавий даромад ва харажатлар кўрсаткичларини таҳлил қилади;

5.13. Пул оқимларини тартибга солишнинг алоҳида шартлари назарда тутилган айрим корхоналарда, пул маблағларини тақсимлаш параметрларини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

5.14. Паст рентабеллик ва зарар кўриб ишлаётган тизимли корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш бўйича киритилаётган таклифларни кўриб чиқади ва ўз таклифларини тайёрлайди;

5.15. Идоравий мансуб ташкилотларнинг молиявий аҳволини ҳолисона баҳолаш мақсадида ташкилот мутахассислари билан биргаликда молиявий ресурслар ва пул оқимларининг прогноз ҳисоб-китобларини кўриб чиқади;

5.16. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойихаларини, шунингдек бошқарув ваколатига кирувчи масалалар буйича услубий материалларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

5.17. Зарур ҳолларда тармоқ корхоналарнинг мутаносиблигига таъсир қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойихаларининг молиявий ва иқтисодий экспертизасини ўтказди;

IV. Бошқарма ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Унга юклатилган функцияларни амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида унга тақдим этилган ваколат доирасида бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус бюджетдан ташқари жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш юзасидан махсус жамғарма маблағларидан фойдаланиш буйича агентлик раҳбариятига таклиф киритиш;

6.2. Идоравий мансуб ташкилотлар томонидан мазкур соҳаларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва муаммоли масалаларини ҳал этиш буйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларни (бошқармага тегишлилиги бўйича) ишлаб чиқилишида қатнашиш;

6.3. Тегишли идоравий мансуб бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар (молиялаштириш) тўланишини тўхтатиб туриш, агар улар томонидан бюджет маблағлари ноқонуний сарфланиши, шунингдек, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тақдим этмаслик ҳолатлари мавжуд бўлса, бу ҳақида тегишли идоравий мансуб бюджет ташкилотлари раҳбарлари ва бюджет маблағлари олувчиларни хабардор қилган ҳолда чеклаш;

6.4. Ҳайъат мажлисларида, “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарияти томонидан ўтказилган йиғилишларда иштирок этиш;

6.5. Агентлик тизимидаги барча ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятини янада мустаҳкамлаш бўйича қарор қабул қилиш ёки ҳужжатларни ўрганиш учун зарур бўлган маълумотларни, тегишли ҳисоботларни ва бошқа ҳужжатларни сўраш;

6.6. "Ўзстандарт" агентлиги раҳбариятига, идоравий мансуб ташкилотлар томонидан кўрсатилган иш ва хизматларнинг нархи ёки уларнинг чекланган даражалари тўғрисида маълумот киритиш;

6.7. "Ўзстандарт" агентлиги раҳбариятининг топшириғига ҳамда бошқарма бошлиғи ташаббусига биноан идоравий мансуб ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш;

6.8. "Ўзстандарт" агентлиги раҳбариятининг топшириғига биноан хорижий давлатлар ҳамда халқаро ва хорижий ташкилотлар вакиллари билан музокараларда иштирок этиш;

6.9. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ижро интизомининг ички мониторингини таъминлаш, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг қарорлари ўз вақтида ижро этилишининг бориши устидан тизимли назорат олиб бориш учун "Ўзстандарт" агентлиги ижро назорати бўлими билан мунтазам ҳамкорлик қилади.

8. "Ўзстандарт" агентлиги раҳбариятига келгуси ҳисобот даврларида иш режаси ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун киритади.

9. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкораликни таъминлашга доир масалалар буйича Агентликнинг жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими билан мунтазам ҳамкорликни таъминлайди.

10. Бошқарма ходимлари ушбу Низомда уларга юклатилган вазифа ва функцияларни тўғри ва самарали бажаришлари шарт.

V. Бошқарув фаолиятини ташкил этиш

11. Бошқармага "Ўзстандарт" агентлиги Бош директорининг буйруғи билан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

12. Бошқарма бошлиғи белгиланган тартибда тасдиқланган штат жадвалига мувофиқ ўринбосари ва бош бухгалтерга эга бўлади. Бошқарма ходимларининг хизмат вазифалари доираси бошқармага юкланган вазифалардан келиб чиқиб, бошлиқ томонидан ушбу Низомга мувофиқ белгиланади.

13. Бошқарма Бошлиғи:

13.1. Бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш, бошқарув ишида қонунчиликни тўғри қўллаш буйича ишларни аниқ ташкил этишни таъминлайди;

13.2. Кадрлар танлаш ва жойлаштириш, кадрлар малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлайди;

13.3. Бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши бўйича назорат олиб боради.

14. Бошқарма таркибига қуйидагилар киради:

14.1. Молия-иқтисод бўлими;

14.2. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими.

15. Бошқарма ходимларининг хизмат вазифалари доирасида бошқарма бошлиғи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган лавозимларнинг малака маълумотномаларига ва лавозим йуриқномаларига мувофиқ бошқармага юкланган вазифалар ва функциялардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

16. Бошқарманинг тузилиши ва сони қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

VI. Бошқарма ходимларининг масъулияти

17. Бошқарма ходимлари тайёрланаётган ҳужжатлар қонунчилигига мувофиқлиги учун масъулдирлар.

18. Ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун бошқарма ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.